



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 7 август, № 165 (7667)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ЛОЙИХАЛАР САМАРАДОРЛИГИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 август куни Жаҳон банки иштирокида «Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга оширишга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Шу йил 23 июль кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари аграр тармоққа ажратилган инвестициялардан тўғри фойдаланиш, юқори натижа берадиган лойиҳалар ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Бу галги йиғилишда Жаҳон банки томонидан ажратилган 500 миллион доллар кредит маблағларини ўзлаштириш бўйича шакллантирилган лойиҳалар муҳокама қилинди.

Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, лойиҳаларни ишлаб чиқишда фанни ривожлантиришга, илгор технологияларни жорий этишга устувор аҳамият қаратилган. Хусусан, жалб қилинаётган маблағнинг 87 миллион доллари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги 10 та илмий-тадқиқот муассасаси, 4 та ихтисослаштирилган марказ фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини яхшилашга ажратилди.

Шунингдек, 70 миллион доллар кўчатлар етказиб бериш, фитосанитария, геоахборот ва сертифицилаш хизматларини кўрсатадиган агрохизмат марказларини ташкил этишга

йўналтирилади. Қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш учун берилаётган 10 миллион доллар ҳисобига ерларнинг ҳосилдорлиги, тупроқ таркиби таҳлили, зарур минерал ўғитлар тури ва миқдори, солиқ, транспорт-логистика ва маҳсулотлар бозорлари ҳақида маълумотлар олиш имкони яратилди.

Йиғилишда сув хўжалиги, чорвачилик, карантин, кадастр, молия, солиқ ва бошқа тегишли идоралар маълумотлар базасини ушбу тизимга интеграция қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Қишлоқ хўжалиги вазири Шавкат Мирзиёевнинг раҳбарлигида илмий-тадқиқот муассасалари ва ихтисослаштирилган марказларни Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боддорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳудудда жойлаштириб, лаборатория ускуналари ва техникалар билан таъминлаш, вилоятлардаги қишлоқ хўжалиги коллежлари негизда уларнинг филиалларини ташкил этиш вазифаси қўйилди. Ушбу муассасаларни юқори маъналик мутахассислар билан тўлдириш, хориждан консултантлар жалб қилиб, уларни ўқитиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир илмий-тадқиқот муассасаси ва марказ илмий ишланмаларини сотадиган тижорат ташкилотига айланиши зарурлигини таъкидлади.

— Қишлоқ хўжалигини илм билан қилмасак, харажатларимиз натижа бермайди. Ҳар бир лойиҳа манфаатдорликни таъминлаш, рентабелликни оширишга ҳизмат қилиши керак. Пировард марраимиз — экспорт. Илмий асосланган, стандартларга мос маҳсулот чиқарилса, бозор топилди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Кооперативлар ва кластерларни ривожлантиришга мўлжалланган 200 миллион доллар ҳудудлар ўртасида тақсимланган. Бундан ташқари, халқаро молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан Фарғона водийси учун қўшимча 54 миллион доллар ҳамда Хоразм вилоятига 100 миллион доллар маблағ ажратилган.

Президент ажратилаётган ҳар бир долларни уч долларга айлантириш, имтиёзли кредитларни қайтариш

бўйича аниқ ҳисоб-китоб асосида ишлаш зарурлигини таъкидлади.

Интенсив боғ майдонларини кенгайтиришга 65 миллион доллар йўналтириш белгиланган. Хусусан, бунинг ҳисобидан Тошкент вилоятида 500 гектар, Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғона ва Самарқандда 300 гектардан, Жиззахда 250 гектар, Қашқадарё ҳамда Сурхондарёда 200 гектардан, Қорақалпоғистонда 100 гектар майдонда янги усулдаги интенсив боғлар яратилиши режалаштирилган.

Мутасаддиларга қисқа муддатда ерларни ажратиб, келгуси йил баҳорда боғларни фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилди.

Яна 65 миллион доллар эвазига замонавий агрологистика марказлари ва комплексларини ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги вазири ва вилоят ҳокимлари жалб қилинаётган маблағлар ўзлаштиришини лойиҳалар кесимида тақдирот қилди ҳамда ишни ташкил қилиш режалари бўйича ахборот берди.

Ў.А.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 август куни жорий йилда олий таълим муассасаларига қабулни ташкил қилиш ва 2020/2021 ўқув йилига тайёргарлик кўриш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Сўнгги йилларда олий таълим тизимидаги ўзгаришлар натижасида ёшлар ва уларнинг ота-оналарида ўқишга ишонч ортди. Хужжат топшириш тўлиқ масофавий шаклда амалга оширилгани аҳолига катта қулайлик яратмоқда.

Жорий йилда мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларига (ОТМ) бакалаврият босқичига 162 364, магистратурага 10 425 ўрин ажратилган.

Бу йил 91 та ОТМга бакалаврият йўналиши бўйича 1 миллион 484 минг нафар абитуриент хужжат топширган бўлиб, бу ўтган йилдагига нисбатан 39 фоиз кўп. Битта ўринга 10,6 та талабгор тўғри келмоқда.

Магистратура йўналишида 72 та таълим даргоҳига 78 минг 720 нафар ёки ўтган йилдагига нисбатан 3 баробар кўп хужжат топширилган. Умуман, қабул квоталари 2016 йилдагига нисбатан 3 маротаба ортган.

Бугунги кунда ўқишга қабул қилиш тестлари қачон, қаерда ва қандай тартибда ўтказилиши ҳамда 2020/2021 ўқув йилида таълим жараёни қандай ташкил этилиши барчани ўйлантирмоқда. Бунга сабаб, табиийки, турмуш тарзимизни ўзгартириб юборган коронавирус пандемияси.

Шу боис Президент Шавкат Мирзиёев тақдирот чоғида ушбу омилни ҳисобга олган ҳолда кун тартибидagi масалалар юзасидан қатор вазифаларни белгилаб берди.

Жумладан, тест имтиҳонларини абитуриентлар ва назоратчилар учун эпидемиологик хавфсизликни таъминлаш имконини берадиган жойда ўтказиш кераклиги қайд этилди.

Ёпиқ бинолар эпидемиологик талабга жавоб бермаслигини, ижтимоий масофага риоя қилинган тақдирда имтиҳонлар вақти анчага чўзилиб кетишини инобатга олиб, тест сновларини Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларидаги стадионларда ташкил этишга топшириқ берилди. Бунда имтиҳонлар кунига 2 марта (хаво салқин пайтда) ўтказилса, барчасини тахминан 12 — 14 кунда яқунлаш мумкин.

Мутасадди вазирилик ва идораларга стадионларни тест сновларига пухта тайёрлаш, уларнинг дислокацияси бўйича абитуриентларни тўлиқ хабардор қилиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари имти-

ҳонларнинг санасини Соғлиқ сақлаш вазирилик ва Санитария-эпидемиология хизматининг эпидемиологик вазият борасидаги хулосасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш, аҳоли саломатлиги хавфсизлигини таъминлаш лозимлигини таъкидлади.

Тест сновларини шаффоф ҳолда ўтказиш учун, ёшларни ортиқча сарсон қилмаслик мақсадида Таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси, ҳокимликлар, Ички ишлар вазирилик, Миллий гвардия, Жисмоний тарбия ва спорт вазирилик, Давлат хавфсизлик хизмати томонидан зарур чоралар кўрилади.

Таълим жараёнини сифатли ўқув ресурслари билан бойитиш учун салоҳиятли профессор-ўқитувчиларни жалб этиш муҳимлиги қайд этилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик 25 августга барча 7 минг 200 дан зиёд фан бўйича назарий ва амалий машғулотларнинг рақамли услубий таъминотини ва масофавий таълимга мослаштирилган ўқув дастурларини яратиши белгиланди.

Қаида 35 та давлат ОТМ-да биринчи курс талабалари учун ўқиш кредит-модуль тизимини асосида ташкил этилади.

— Тараққий этган давлатлар тажрибаси таълим даргоҳларини замон талабларига мослаштирмасдан илмий ва технологик ютуқларга эришиш кийин бўлишини кўрсатмоқда, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Шу сабабдан жорий йилда нуфузли хорижий университетлар билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг қаида 5 та олий таълим муассасаси трансформация қилинади. Бунда, асосан, тузилма ва ўқитиш технологиялари такомиллаштирилади, натижада улар замонавий таълим берадиган ва инновацияларни жорий қиладиган илмий даргоҳга айлантирилади.

Йиғилиш якунида давлатимиз раҳбари ректорлар билан мулоқотда бўлиб, улар айтган муаммоларни ҳал этиш ва таклифларини амалга ошириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Ў.А.

Олий Мажлис Сенати

ЮҚОРИ ПАЛАТА КЎМИТАЛАРИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, бугун Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Шу муносабат билан кеча парламент юқори палатаси кўмиталарининг видеоконференцалоқа тарзида мажлислари ўтказилди.

Вазирлик фаолияти танқидий кўриб чиқилди

Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг мазкур вазирлик фаолияти ҳақидаги ахбороти кенг муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, вазирлик томонидан юртимиз ташқи сиёсатини амалга ошириш, хорижий мамлакатлар билан муносабатларда, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистоннинг давлат манфаатлари ҳамда унинг фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Айниқса, вазирлик, идора ва муассасаларнинг халқаро алоқаларни ривожлантиришга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштиришга жиддий эътибор берилляпти.

Хисобот даврида Туркия ва Россия Федерациясига олий даражадаги расмий ташрифлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 10 та хорижий меҳмонлар қабули амалга оширилди, 20 дан ортиқ олий даражадаги онлайн-

мулоқотлар ташкиллаштирилган.

Аммо кўмита томонидан ўтказилган ўрганиш жараёнида Ташқи ишлар вазирилик фаолиятида қатор муаммо ва камчиликлар борлиги ҳам маълум бўлди. Хусусан, вазирликнинг экспортни рағбатлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда туризмни ривожлантириш соҳаларида республика ҳудудларига амалий кўмак бериш, жойлардаги тадбиркорларнинг ташқи иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш йўналишидаги билим ва маънаси ошириш ҳамда меҳнат миграцияси муаммоларини ҳал қилишдаги ишлари етарлича самара бермаляпти.

Шундан келиб чиқиб, мажлисда сенаторлар вазирлик фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Сўнгра йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Россия Федерациясига вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси 2020 йил 7 август куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишнини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа шаклида ўтказилади.

УЙДА ҚОЛИНГ!

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кунини кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид долзарб қонун лойиҳалари қаторида, яна бир муҳим масала — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М. Нурмуратовнинг «Мамлакатимизда микромолиялаштириш турлари ва қўланини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги масала юзасидан Қонунчилик палатасининг парламент сўровига жавоби халқ вакиллари томонидан атрафлича кўриб чиқилди.

Депутатлар томонидан жойларда ўтказилган учрашув ва мулоқотларда бугунги кунда аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молия-

лаштиришда тижорат банкларида ресурслар етишмаслиги билан боғлиқ тизимли масалалар мавжудлиги аниқланган эди. Шундан келиб

чиқиб, парламент кўйи палатасининг 22 июль кунини бўлиб ўтган мажлисида Марказий банкка парламент сўрови юборилган.

Ушбу парламент сўровига келган жавобда қайд этилганидек, бугунги кунда юртимизда 121 та нобанк кредит ташкилоти фаолият юритиб келмоқда. Шундан 60 таси микрокредит ташкилоти, 61 таси ломбарддир. Улар томонидан микроқарз, микрокредит, микролизинг ва истеъмол кредити каби молиявий хизматлар кўрсатиб келиняпти.

Аҳоли ҳамда тадбиркор-

лик субъектларининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қўрсатилмаётган микромолиявий хизматлар ҳажми, яъни микроқарз миқдори 50 млн. сўмгача, микрокредит 300 млн. сўмгача ва микролизинг миқдори 600 млн. сўмгача оширилди. Микрокредит ташкилотлари ҳамда ломбардлар фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддати 30 кундан 15 иш кунига қисқартирилди.



ИМКОНиятлар кўп, гап улардан қай даражада фойдалана олишимизда

Кунини кеча давлатимиз раҳбари томонидан энергетика, транспорт, коммунал хўжалиги ҳамда тиббиёт соҳаларида давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Муносабат

Айтиш жоизки, мазкур соҳаларнинг иқтисодий-иқтисодиётимиз барқарорлиги ҳамда аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда ўрни беқийс. Зотан, энергия манбалари, текис йўللар ва улардан транспорт воситаларининг фойдаланиш ҳақидаги ҳаракатланиши, юклар ташилиши, коммунал хўжалиги — буларнинг барчаси мамлакатимиз раҳбари учун

ғоят аҳамиятлидир. Шу боис ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш, инвестицияларни изчил жалб этиш, бунда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш бугуннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Йиғилишда бу борадаги ишлар танқидий-таҳлилий тарзда кўриб чиқилди. Қилинган эмас, қилинажак ишлар муҳокама этилди. Мазкур тармоқларда давлат-хусусий шерикликни жорий этиш истибсоллари таҳлил этилди.

Айрим мутасаддиларнинг фикрлари билан газетанинг 3-саҳифасида танишасиз.



Демографик ҳолат

2020 йил 1 июль ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 34 191 700 нафарни ташкил этмоқда.

Йил бошидан буён аҳоли 286 500 кишига кўпайди.

Энг кўп аҳоли яшайётган 3 ҳудуд (умумий аҳоли сонига нисбатан фоизда)



«Халқ сўзи»




Фото: Х. Пайдоев.

Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

ЮҚОРИ ПАЛАТА ҚЎМИТАЛАРИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ



Қайд этилганидек, парламент сўрови фуқароларнинг Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти қабулхонаси, Омбудсман, ҳудудлар ҳокимликларига, мамлакатимизнинг Россия Федерациясидаги дипломатик ваколатхонасига келиб тушаётган кўп сонли мурожаатлари асосида шакллантирилди. Россияда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган юрtdошларимизнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш Сенат диққат марказида бўлиб турибди. Шунингдек, бу масала Ўзбекистон — Россия парламентарларо ҳамкорлик комиссияси фаолиятининг асосий йўналишларида биридир.

Бирок Россия томони билан ташқи меҳнат миграцияси жараёнининг тартибга солишга қаратилган иккита битим мавжуд эканлигига қарамай, эришилган давлатларро келишувларни тегишлича иккита эътибор қилиш мумкин эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамасига мазкур парламент сўровини йўллаш мақсадга мувофиқлиги алоҳида қайд этилди.

Конун бугунги кун талабларига жавоб бермай қолганди

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси йиғилишида янги тахрирдаги "Таълим тўғрисида"ги конун қўриб чиқилди. Сўзга чиққанлар томонидан эътироф этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимиз-

да таълим тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Қарийб 23 йил аввал қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Конун соҳа олди-га қўйилган бугунги кун талабларига жавоб бермай қолганди. Бинобарин, мамлакатдаги таълим-тарбия тизимининг мавжуд ҳолати ҳамда имкониятлари, соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ва айниқса, давр билан, дунё билан ҳамқадам бўлиш эҳтиёжи конунни янги тахрирда қабул қилишни тақозо этди.

Янги тахрирдаги конун лойиҳаси мамлакатимиз жамоатчилиги орасида кенг муҳокама қилинди. 30 га яқин манфаъдор вазирлик ҳамда идоралар, таълим соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар ва кўплаб ҳамюртларимиз конун лойиҳаси бўйича таклифларини билдирди. Шундан келиб чиқиб, амалдаги конуннинг 33 та моддасига ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилиб, мазмунан тўлдирилди.

Сенаторлар янги тахрирдаги конуннинг аҳамиятли жиҳатларига тўхталиб, мазкур ҳужжат юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишда қандай муаммолар бор?

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамасига аҳолини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб

этиш жараёнида юзага келаётган муаммолар тўғрисида парламент сўрови юбориш ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Айтиб ўтилганидек, бутун дунёда авж олган коронавирус пандемияси билан курашиш жараёнида соғлом турмуш тарзи асосида иммунитетни юқори бўлган инсонларда касаллик даярли асосатисиз кечмиши яққол намён бўлди. Бу эса жисмоний тарбия ва спорт орқали соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, аҳоли иммунитетини мустаҳкамлаш фояд долзарб вазифа эканлигини аънатлади.

Мазкур кўмита ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда "Ю-репорт" ижтимоий рақамли платформасида юртимиздаги спорт иншоотларининг бугунги ҳолати ва фаолияти юзасидан ўтказиш сўровнома натижалари соҳада бир қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Сақиз мингга яқин иштирокчилар қамраб олинган сўровнома натижаларига кўра, ёшларнинг 49 фоизи жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланмайди, 20 фоизи спортнинг бирор-бир тури билан қамраб олинмаган. 19 фоизи иштирокчилар эса спорт тўғрисидаги нарсанинг қимматлиги улар имкониятини чеклашини айтган. 64 фоизи йигит-қизлар спорт иншоотларига транспортда катнов ёки узок вақт пйёда юришга тўғри келиши ноқулайлик туғдираётганини билдирган. 64 фоизи ёшлар ўз маҳаллаларида спорт иншоотлари йўқлигини ва спорт муносабалари етарлики уюштирилмаётганини қайд этган. Бу борада, айниқса, Наманган, Андижон ҳамда Фарғона вилоятларида аҳвол коникарсиз. Шулардан келиб чиқиб, сенатор-

лар мамлакатда аҳоли, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишда юзага келаётган муаммолар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамасига парламент сўрови юбориш зарурлигини таъкидладилар.

Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи муҳокама қилинди

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси йиғилишида Харақатлар стратегиясини "Илим, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2020 йил биринчи ярим йиллик ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамасининг ҳисоботи муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, коронавирус билан боғлиқ пандемия дунё давлатлари, жумладан, юртимиз иқтисодиётини ҳам мураккаб синовларга дучор қилди, Давлат дастурида белгиланган турли лойиҳа ва режаларни амалга ошириш имкониятларини пасайтирди.

Шунга қарамай, пандемиянинг иқтисодиётимизга таъсирини юмшатиш, бизнесни ҳимоялаш, иш ўринларини асраб қолиш, ижтимоий муҳофазани кучайтириш масалалари юзасидан муҳим қарорлар қабул қилиниб, аниқ вазифалар белгилангани боис умумий вазият барқарорлиги таъминланяпти. Хусусан, Президентнинг 2020 йил 3 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга

дабир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига кўра, пандемия шароитида жойларда аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни моддий қўллаб-қувватлаш учун 569 мингта муҳтож оила рўйхатга олиниб, уларга зарур ёрдам берилган. 50,9 минг ишсиз фуқаро доимий, 105,8 минг нафари мавсумий ишларга жалб этилган.

Давлат дастурида хотин-қизлар таълими, уларнинг ижтимоий ҳимоясига оид вазифалар ҳам белгиланган бўлиб, улар бажарилган. Хусусан, дастурда қайд этилган ҳудудлардаги 1 миң 576 нафар оғир турмуш шароитидаги, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш мақсадига 2020 йилда оғир турмуш шароитидаги, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни арзон уй-жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Шунингдек, хотин-қизларнинг олий таълимга қамровини кенгайтириш мақсадига Вазирилр Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган алоҳида ажратилган грантлар учун танловда иштирок этадиган номзодларни танлаш ва саралаш мезонларини тасдиқлашни назарда тутувчи Низом қабул қилинган.

Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, қатъий эътибор қаратилиб лозим бўлган масалалар ҳам мавжудлиги махлосида алоҳида таъкидлаб ўтилди ва улар бўйича таклифлар билдирилди.

Шунингдек, кўмита аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Эрта турмуш ва эрта туғуруқ ҳолатлари ҳамда оилавий ажримлар билан боғлиқ муаммоларни бартарар этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижроси ва мазкур ҳужжат билан тасдиқланган тегишли дастури амалга ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Махлосларда кўрилган масалалар юзасидан кўмиталарнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».



НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ



Қайд этилганидек, мамлакатимизда нобанк кредит ташкилотлари томонидан ажратилган кредитлар қолдиги тижорат банклари кредит портфели билан солиштирилганда нисбатан кичик бўлса-да, улар томонидан ажратилаётган кредитлар миқдори юқори суръатларда ошиб бормоқда. Хусусан, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига микрокредит ташкилотлари томонидан ажратилган кредитлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан қарийб 2 баробар, 2018 йилдагига нисбатан эса 4 баробар ошган.

Шунингдек, парламент сўровига жавобда бугунги кунда Марказий банк томонидан Жаҳон банки экспертлари билан ҳамкорликда нобанк кредит ташкилотларининг таъминий-ҳуқуқий асослари, улар томонидан амалга оширилаётган молиявий операцияларнинг рўхсат берилдиغان турлари, нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш каби муносабатларни ўзида муҷассам этган "Нобанк кредит ташкилот-

лари тўғрисида"ги конун лойиҳаси ишлаб чиқилаётгани маълум қилинган. Шу йилнинг июнь ойида Жаҳон банки экспертларининг конун лойиҳаси ва халқаро тажриба бўйича дастлабки хулосалари олинди. Ҳозирги пайтда халқаро тажрибани миллий қўнунчиликка уйғунлаштириш ҳамда амалдаги қўнунчилик талабларини инобатга олган ҳолда конун лойиҳаси маромига етказилмоқда.

Мажлисда депутатлар конун лойиҳасини тез кунларда парламентга киритиш ҳамда илгор хорижий тажрибага таянган ҳолда бошқа муқоабил молиялаштириш турларини таклиф этадиган ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш, аҳолига молиявий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтиришни назарда тутадиган нормаларни лойиҳага киритиш бўйича таклифлар киритилди.

Мажлисда парламент сўровига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан юборилган жавоб маълумот учун қабул қилинди.

«ЛАЗГИ»ДАН КЕЙИН НАВБАТ ҚАЙСИ МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗГА?

БУ БЎЙИЧА МАДАНИЯТ ВАЗИРИГА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ.

Маълумки, Ўзбекистондаги 4 та меъморий мажмуа (Хива, Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий марказлари) ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига эса мамлакатимиз номоддий маданий меросининг 8 та объекти (Бойсун маданий макони, "Шашмақом", Катта ашула, Аския санъати, Наврўз, Галов маданияти ҳамда анъаналари, Марғилон хунармандчилиги ривожлантириш маркази: адрас ва атлас тизими, Хоразм рақси — "Лазги") киритилган.

Шу билан бирга, ўзбек халқининг бой тарихий ўтмишига оид қатор моддий ва номоддий маданий мерос объекти ЮНЕСКОнинг мазкур рўйхатларига ҳали-ҳануз киритилмасдан қолмоқда. Ваҳоланки, юртимизда яна ўнлаб маданий мерос объекти жойлашган бўлиб, улар ҳам ушбу рўйхатга киритиш учун муносиб объект сифатида кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур объектларнинг ЮНЕСКО рўйхатларига киритилиши мамлакатимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир томондан, Ўзбекистон бой тарихий меросининг жаҳон ҳамжамияти томонидан янада кенгроқ эътироф этилишига хизмат қилса, иккинчи томондан, ушбу объектларнинг халқаро миқёсда муҳофазаси қилиниши таъминлаш учун асос бўлади.

Шунингдек, бу келгусида мамлакатимиз туризм салоҳиятининг кенг миқёсда ривожланишига ҳам катта тurtки беради. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Конунчилик палатасининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси маданий вазири О. Назарбековга "Ўзбекистон Республикаси ҳудудидagi маданий мерос объектиларини ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига ҳамда Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш, бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида" парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

«Хукумат соати»

Мева-сабзавот экспортда қандай камчиликлар бор?

Инвестициялар ва ташқи савдо вазири депутатлар саволларига жавоб қайтарди.

Олий Мажлис Конунчилик палатасида навбатдаги "Хукумат соати" ўтказилди. Унда пандемия даврида аҳоли томонидан етилмаётган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш, тайёрлаш, сақлаш ва бошқа логистика хизматларини йўлга қўйиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масала юзасидан депутатларнинг саволларига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов жавоб берди.

Вазир депутатларнинг саволларига жавоб қайтарар экан, аввало, 2020 — 2023 йилларда мева-сабзавот экспорти режаси ҳақида тўхталиб ўтди. Шу билан бирга, айни пайтда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритди.

Қайд этилганидек, жорий йилнинг биринчи ярмида 5,8 млн. тонна мева-сабзавот етилтирилган бўлиб, жами 480,0 млн. доллар ҳажмидаги маҳсулотлар экспорт қилинган. Депутатлар ушбу кўрсаткичларни янада ошириш, мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш, мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришни кўпайтириш йўлида қандай муаммолар борлиги билан қизиқдилар.

Вазир ўз жавобига етилтирилган маҳсулот танархнинг юқорилиги, ҳозирги мавжуд саралаш ва қадоқлаш тизими жаҳон талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, янада арзон ҳамда сифатли транспорт логистика тизимининг тўлиқ йўлга қўйилмаганилиги, маҳсулотлар экспорт қўламини кенгайтириш учун янги бозорларни излаш топилшининг аниқ механизми ривожланмаганилигини мисол қилиб келтирди.

"Хукумат соати"да бу борада қўрилаётган чораларга алоҳида аҳамият қаратилди. Тадбиркорларнинг экспорт фаолиятини рағбатлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати юзасидан фикр алмашилди. Соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида давлат раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган қатор қарорларни амалга татиқ этиш учун ушбу йўналишда конун ҳужжатларига ҳам бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Чунинчи, 2020 йил 1 октябрдан булган даврда ташқи савдо операциялари бўйича мuddати ўтган дебитор қарздорлик учун ҳужжалик юришувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилди. 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда талаб этиладиган сертификатлар учун экспортёрлардан тўловлар ундирилиши бекор қилинди. Экспорт операциялари бўйича мuddати ўтган дебитор қарздорлик ҳисобот даврида амалга оширилган экспорт ҳажмининг 10 фоизидан юқори бўлмаган ҳолатларда кафолатли тўловни таъминламаган ҳолда маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишга рўхсат берилди. Яна бир аҳамиятли жиҳати, экспортга ташшидаги транспорт харажатларининг бир қисмини Давлат бюджетидан қўллаб бериш механизми автотранспорт ва ҳаво транспортини учун ҳам жорий қилинди.

Депутатлар жойларда ўз сайловчилари, деҳқон ҳамда фермерлар билан булган учрашувларда кўтарилган масалалардан келиб чиқиб, барча учун долзарб бўлган саволларни ўртага ташладилар. Яъни "Аҳоли етилтирилган маҳсулотни экспорт қилишда салоҳиятли ҳамкорлар излаш, анъанавий ва янги бозорларга чиқариш, шунингдек, экспорт бозорида рақобат муҳитини шакллантириш борасида маҳсулот етилтирувчиларга қандай қўмак берилмоқда?" деган савол берилди.

Вазир таъкидлаганидек, 500 дан ортқ корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тижорат таклифлари ишлаб чиқилиб, уларга хориждан салоҳиятли ҳамкор топиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирчага 251 та корхонага хорижий ҳамкор топишда ёрдам берилди. 1,8 млрд. сўмлик субсидия 305 та корхонага товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатларни расмийлаштириш учун тўланди. 1,2 млрд. сўмлик сугурта муқофоти харажатлари мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи 117 та маҳаллий корхонага қўллаб берилди. 2 та халқаро кўргазма ва ярмаркаларда 28 та экспортёр корхона иштирокчи таъминлаш мақсадида 1,2 млрд. сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилди. Айни вақтда яна 50 млн. доллардан зиёд экспорт амалга оширилиши кутилмоқда.

"Хукумат соати"да депутатлар томонидан кўтарилган барча масалалар долзарб бўлиб, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг уларнинг барчасига доир аниқ ёндашуви, истиқболдаги режалари атрофича баён этилди.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»)

Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлиси олдида

ХУСУСИЙ БАНДЛИК АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ОШИРИЛМОҚДА. ЭНДИ НИМА ЎЗГАРАДИ?

Юртимизда чет элда қўнуний ишларни хоҳловчи фуқаролар кам эмас. Ҳўш, уларга амалий ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар фаолияти қай ҳолатда? Афсуски, хусусий бандлик агентликлари томонидан чет элда ишлаш истиғини билдирган фуқароларнинг маблағларини талон-торож қилиш ҳолатларига йўл қўйилаётгани ҳам бор гап.

Тахлилларга кўра, тижорат ташкилоти ҳисобланувчи хусусий бандлик агентликлари ишга жўйлаштириш бўйича хизматлар кўрсатишда хорижда ишлаш истиғиди бўлган шахслардан 11,5 миллион сўмдан 35 миллион сўмгача миқдорда тўловларни олдиндан ундириб, ақсарият ҳолларда хизмат кўрсатмасдан алдab, уларга моддий зарар етказган. Натижада бугунги кунга келиб, юртимиздаги 10 та хусусий бандлик агентлиги рақбарлари устидан 7 миң 123 нафар фуқарога 72 миллиард сўмдан ортқ моддий зарар етказганилиги учун жиноят ишлари қўзғатилган.

Хусусий бандлик агентлиги томонидан етказилган зарар жабр-юртлонувчиларга, асосан, давлат томонидан қўллаб берилган. Хусусан, "Human" хусусий бандлик агентлиги раҳбари томонидан 1 миң 86 нафар фуқародан 21,2 миллиард сўм миқдорда, "Korean and Migrations" агентлиги раҳбари томонидан 2 миң 317 нафар фуқародан 22,2 миллиард сўм миқдоридида пул маблағлари ўзлаштирилган. 2019 йил ва шу йилнинг ўтган даврида юридик шахс хусусий

асосан, хусусий бандлик агентликлари томонидан фуқароларга етказилиши мумкин бўлган зарарларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар назарда тутиляпти. Яъни хусусий бандлик агентлиги ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, иш қидираётган шахсларга мурожаат қилишлари учун агентлик ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан алоқа боғлашга доир маълумотлари кўрсатишга ёзма шаклдаги билдиришомма берилиши белгиланган.

Шунингдек, агентлик кўрсатадиган хизматлар тўғрисидаги шартнома Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ахборот тизимида реал вақт режимида рўйхатдан ўтказилиши ҳам конунда қайд этилмоқда.

Бу эса хусусий бандлик агентлиги ўз мажбуриятини бажармаса, иш қидираётган шахсининг кимга мурожаат қилиши мумкинлиги тўғрисида аниқ маълумот олишига имкон беради.

Республикадан ташқарида иш қидираётган фуқароларимизни ишга жўйлаштириш кафолатларини ошириш мақсадида хусусий бандлик агентликларининг чет эллик иш берувчи, шериклар билан ёзма шаклда ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузиши талаби ҳам киритилмоқда.

Хусусий бандлик агентликларининг лицензия талаблари ҳамда шартларига риоя этишларини назорат қилиб бориш мақ-

садида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига агентликлар фаолиятини текшириш (молиявий-ҳўжалик фаолиятига аравалмасдан) ваколати ҳам бериляпти.

Шунингдек, иш қидираётган шахсларни ишга жўйлаштириш хизматларига бўлган моддий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида агентликларнинг Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида зарари қилгандаги маблағларни қайтариш ҳам оширилган.

Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида мазкур конун ҳам сенаторлар томонидан батафсил ўрганилиб, қўнунчиликдаги бўлиқларни бартарар этиш, юқоридидаги каби ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан атрофича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қайд этиш керакики, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш мақсадида амалдаги конунга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар билан бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳал этилиб, меҳнат бозорининг ривожланиши, аҳоли биланлик даражасининг ошишига эришилади.

Эркин ГАДОВЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси раиси.

ҚОНУН ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОСЛАШТИРИЛДИ

Охириги тўрт йилда таълим тизимини ислох қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, қайси жойда мазкур тизим тараққий этса, ўша жойда ривожланиш бўлади, мамлакатнинг эртанги кунга кафолатланади. Олий Мажлис Сенатининг бугун бўлиб ўтадиган олтинчи ялпи мажлиси кун тартибидан ўрин олган янги тахрирдаги "Таълим тўғрисида"ги конун ана шу эзгу мақсадга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Ҳўш, қандай сабаблар туфайли бу конун янги тахрирда яратилди?

Айтиш керакики, 1997 йили қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Конун таълим сифатини таъминлаш мақсадида қўйилаётган бугунги кун талабларига жавоб беролмай қолганини айтиш жоиз. Бинобарин, мамлакатдаги таълим-тарбия тизимининг реал аҳоли, иқтисодий ривожланиш даражаси ва имкониятлари ҳамда соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ва айниқса, давр билан, дунё билан ҳамқадам бўлиш эҳтиёжи Конунни янги тахрирда қабул қилишни тақозо этди.

Янги тахрирдаги конун лойиҳаси мамлакатимиз жамоатчилиги орасида кенг муҳокама қилинди. 30 га яқин манфаъадор вазирлик ва идоралар, таълим соҳасида фаолият юритаётган 50 дан зиёд мутахассислар ҳамда ҳамюртларимиз конун лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳаза, таклифларини билдирди.

Янги тахрирда ишлаб чиқилган конун 12 боб, 75 моддадан иборат. Қонунда болбар ҳамда моддалар мантқиқий кетма-кетликда жойлаштирилди ва амалдаги конуннинг 33 та моддасига ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилиб, мазмунан тўлдирилди. Конунни ишлаб чиқиш жараёнида йигирма-

дан ортқ хорижий давлатлар, жумладан, Россия, Жанубий Корея, Германия, Италия, Буюк Британия, АКШ, Франция, Швеция, Дания, Норвегия, Нидерландия, Украина, Беларусь, Козогистоннинг таълим тўғрисидаги қўнунлари ўрганилиб ва уларнинг илгор тажрибаларини инобатга олган ҳолда, 41 янги модда киритилди.

Эътиборлиси, янги тахрирдаги конунда "давлат таълим муассасаси", "давлат таълим стандартлари", "давлат таълим талаблари", "мутахассислик", "тарбия", "таълим", "кампус", "ўқув дастури" ва "ўқув режаси" каби янги тушунчалар мазмун-моҳияти тўлиқ очиб берилган.

Энди ҳақли савол туғилади: бу конун қабул қилинган, тизимда қандай ютуқ ва натижаларга эришиш мумкин бўлади?

Аввало, у мактабгача таълим ва тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, мактабгача ёшдаги болаларнинг ўқитиш ҳамда тарбиялашга, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек, болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган узлуқсиз таълим турини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бундан 5-6 йил олдин 3 — 7 ёшдаги болаларнинг 28 фоизи мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинган

бўлса, бугунги кунга келиб Президентимиз томонидан мактабгача таълим ёшдаги болаларни ўқитиш ва тарбиялашга, уларни мактабга тайёрлашга йўналтирилган махсус тизим яратилгани боис 3 — 7 ёшли болаларни қамраб олиш кўрсаткичи 50 фоиздан ошди.

Қонунга кўра

ИМКОНиятлар кўп, гап улардан қай даражада фойдалана олишимизда

**Шерзод Хўжаев,
энергетика вазирининг ўринбосари:**

— Йилгиликда барча соҳада бўлгани каби электр энергетика соҳасида ҳам давлат-хусусий шериклик таъминоти асосида амалга оширилган инвестицион лойиҳалар муҳокама этилди. Импозанг шартномалар асосида электр станциялари қурилишини жадаллаштириш, бунда хорижий ҳамкорларга бу ерда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишлари учун барча зарур ердани кўрсатиш, хорижий мутахассисларни пандемия шароитида Ўзбекистонга олиб келиш ҳамда 2020 йил якунига қадар лойиҳалар доирасида ўзлаштирилган маблағлар миқдорини ошириш

бўйича топшириқлар берилди. Бундан ташқари, давлат-хусусий шериклик таъминоти асосида нафақат электр энергиясини ишлаб чиқариш, балки истеъмолчиларга сотиш функцияларини амалга оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозорини шакллантиришда хусусий секторни рақобатга жалб этиш топширигини олдик. Бунга қўра, биз уч босқичда электр энергиясининг улгуржи ва чакана рақобатли бозорини шакллантириш ҳамда босқичма-босқич хусусий секторни ушбу ишга жалб қиламиз.

**Абдулла АЗИЗОВ,
соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари:**

— Президентимиз ушбу видеоселекторда кўплай муаммоларни ўртага ташлади. Уларни қандай ечилишимиз ҳақида йўналиш берди. Дарҳақиқат, тиббиёт йўналишида қилинадиган ишлар жуда ҳам кўп. Олдимизга қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, кейинги икки ҳафта давомида бу ишлар қайтадан кўриб чиқилади ва лойиҳаларни яна бир бора тақдим этамиз.

Бой берилган имкониятлар ҳам видеоселектор давомида таъкидлаб ўтилди. Олдимизга қўйилган муҳим вазифалардан яна бири, бу — ҳозирги кундаги шароитни, талабни статистика маълумотлар асосида ёндашган ҳолда тадбиркорларга кўрсатишимиз лозим. Шундагина тадбиркорларда қизиқиш кучаяди ва улар давлат-хусусий шериклик асосида иш олиб боришга тайёр бўлади. Агар маълумот тўлиқ бўлмаса, инвесторларда ҳам иштиёқ ва ишонч суяяди.

**Илҳом МАҲКАМОВ,
транспорт вазирининг биринчи ўринбосари:**

— Айнан транспорт соҳасида бугунги кунда ниҳоятда кўп лойиҳалар мавжудки, давлат-хусусий шериклик асосида уларни амалга ошириш имкониятига эгамиз. Шу мақсадда бизга барча соҳа — темир йўл, авиация, автотранспорт ва йўл қурилишида яна бир бор лойиҳаларни хатловдан ўтказиб, янги таклифларни бериш топширилди. Мисол тариқасида айтиладиган бўлса, Ўзбекистонда 11 та халқаро аэропорт мавжуд бўлса, бар-

часини давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Хусусан, Жаҳон банки билан биргаликда Тошкент, Бухоро, Фарғона ва Урганч аэропортларини “пакет принципи” (зарар билан ишлаётган ҳаво портларини фойда келтираётганлари билан шерикликка бериш) асосида шерикликка бериш бўйича техник топшириқлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

«Халқ сўзи».

«ЎЗБЕКИСТОН ЕВРОПА БОЗОРЛАРИДА ДОИМИЙ ИШТИРОКЧИГА АЙЛАНИШИГА ИШОНЧИМ КОМИЛ»

Польшанинг “EP Furniture” компанияси Ўзбекистон билан муваффақиятли ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда. У мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини Польша ишбилармон доиралари орасида фаол равишда илгари сураётган ишончли шериклардан биридир.

Компания 2018 йил Ўзбекистон экспортчилари билан ҳамкорлик қилишни бошлаган. Сўнгги икки йил давомида умумий қиймати 20 миллион доллар бўлган 20 дан ортиқ шартномалар имзоланди ҳамда амалга оширилди. Шу йилнинг ўтган даврида компания Польша ишбилармонлари иштирокида Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритиш бўйича яқин семинарлар ўтказди.

“Дунё” АА мухбири “EP Furniture” компанияси бош директори Ричард Липински билан компания фаолиятининг асосий йўналишлари ва Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари хусусида суҳбатлашди.

«Халқ сўзи» учун махсус

— Мамлакатингизни жуда яхши билганим боис олдинги ва ҳозирги Ўзбекистон кескин фарқлигини бемалол айта оламан, — дейди у. — Шунинг учун бизнес шерик сифатида республиканинг иқтисодий ривожланиш истиқболлари, унинг экспорт салоҳияти, шунингдек, ишбилармонлик имкониятлари тўғрисидаги фикрларини билдирмоқчиман.

Бугун Ўзбекистон янги даврга қадам босди. Бир йил аввал мен юртингизда бўлиб, у ерда қарий бир ой яшадим. Муболағозис айтишим мумкинки, ана шу қисқа вақт мобай-

нида мамлакатнинг қанчалик ўзгариётганини ўз кўзим билан кўрдим, қалбим хис қилдим.

Ростини айтганда, ўзбек заминини ёқтириб қолганман. Бу юртининг ҳар бир ҳудудида бахтиёрлик муҳити мавжуд, одамлар келгусидаги тараққиёт истиқболларига ишонмоқда, илоҳотларда фаол иштирок этмоқда.

Мен, хусусан, Ўзбекистонни қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори имкониятларга эга мамлакат, деб ҳисоблайман. Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қодир. Серқуёш заминда мева ва сабзавотларнинг

кенг асортименти етиштирилмоқда, бу эса экспорт бўйича катта истиқболлар мавжуд дегандир.

Сайёрамизда иқлим ўзгариб бораётганига сабаб Европада табиий офатлар кўп содир бўлмоқда. Масалан, Европанинг қатор давлатларида, жумладан, Польшада бир йил олдин кучли қурғоқчилик кузатилди. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг танқислиги юзага келишига сабаб бўлди. Айнан ўша пайтда биз озиқ-овқат импортининг манбаларини диверсификация қилишни бошладик ва уларни Ўзбекистондан топдик. Мамлакатингизнинг иқлим шароити йилга бир неча марта ҳосил олиш имконини беради.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг замонавий иқтисодий ривожланишини таҳлил қилган инсон сифатида, ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга ундаган асосий омиллар ҳақида тўхталмоқчиман.

Аввало, Ўзбекистон раҳбариятининг жорий иқтисодий сиёсатини тўғри, деб биламан. Бу нафақат менинг, балки кўплай маҳаллий ва хорижий ишбилармонларнинг ҳам фикридир. Ушбу саяё-ҳаракатларнинг натижаси бугунги кунда кўзга аёқол ташланмоқда. Республика жадал ривожланипти, белгиланган вазифалар муваффақиятли амалга оширилаётган.

Экспортни кенгайтириш иқтисодий барқарор ишлаши ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш учун зарурдир. Ўзбекистон Европа бозорларида доимий иш-

тирокчига айланишига ишончим комил. Фикрларимни исботлаш учун етарли далилларим бор.

Ўзбекистон Европанинг аниқ олисда жойлашганига қарамай, транспорт харажатлари унчалик қimmat эмас. Чунки бугун биз Ўзбекистонда экспортчи транспорт харажатларининг бир қисмини давлат томонидан қоплатиб, қўллаб-қувватланаётганини кўряпмиз. Энди маҳсулотларни Европада етказиб бериш муддатларини қисқартириш устида ишлаш талаб қилинади. Бу, ўз навбатида, савдо ҳамкорлиги самарадорлигини янада оширади.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда экспорт маҳсулотларини манзилга етказиб беришни давлат томонидан суғурта қилиш тизимини жорий этиш жуда фойдали бўлади, деб ўйлайман. Бу Ўзбекистонлик экспортчиларга ўз маҳсулотларини янги шароит ва манфаатли шартларда сотишга имкон беради.

Шунингдек, маҳаллий экспортчиларга узоқ муддатли шартномалар тузишни маслаҳат берган бўлардим. Бизга маълумки, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида кластерлар фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Менимча, бу жуда тўғри ёндашув. Шу боис мен ўзбек ишлаб чиқарувчиларини халқаро кластерлар



«Дунё» АА.

Варшава

фаолиятига жалб қилиш ташаббуси билан чиқдим. Масалан, Ўзбекистоннинг аграр кластери Польша ёки Европадаги бошқа аграр кластер билан ҳамкорлик ўрнатса, ўзбекистонлик экспортчиларнинг узоқ муддатли шартномалар тузиш имконияти кенгайди.

Сўзимнинг якунида яна бир бор тақдорлайман, Ўзбекистон тўғри йўналишда ривожланмоқда. Мен мамлакатдаги ишончли шериклар билан ҳамкорликни давом эттириш ва ўзбек маҳсулотларини Европада экспорт қилиш географиясини кенгайтиришга ҳисса қўишини режалаштирганман. Бу ишда ёлғиз эмасман. Бугунги кунда Польшадаги кўплай ишбилармонлар Ўзбекистон билан барқарор ҳамкорлик ўрнатишга интиломоқда.

«Дунё» АА.
Варшава

ҲАРАКАТ ҚИЛГАН БАРАКА ТОПАДИ

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинган. Энг қувонарлиси, тадбиркорлар кўлга киритган сармояси орқали нафақат ўз оиласи бюджетини тўқис қилмоқда, балки мамлакатимиз тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшаётган.

Қишлоқдаги корхона

Кейинги йилларда мазкур тармоқ нафақат ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда асосий бўлин — Балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаи-

нинг, фаровонликка эришишнинг муҳим омилга айланди. Зеро, тадбиркорларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бозорларимиз тўқинлигини таъ-

минлаш билан бирга, давлатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳам салмоқли улуш қўшмоқда.

Мана шундай тадбиркорлик субъектларидан бири — Бухоро туманидаги Работикалмоқ қишлоғида жойлашган “Мадааният артекс” Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасидир.

У фаолиятини бундан 12 йил муқаддам атиги 6 нафар ишчи билан бошлаган. Айни пайтда 70 га яқин ишчилар меҳнат қилаётган корхона жамоаси яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, фаолиятини кенгайтирмоқда ва янги иш ўринлари яратишни мўлжаллаган. Хусусан, шу йилнинг ўтган даврида 10 та янги иш ўрни яратилган бўлса, яна 20 нафар ишчига ағтириб берилди.

Муҳими, пандемия шароитида ҳам корхона цехларида иш бир маромада борапти. Ишчи-ҳодимлар карантин тартиб-қоидаларига амал қилган ҳолда

ишлаб, хорижий мижозлар буюртмасини бекаму қўст адо этмоқда.

Замонавий хорж ускуналари билан жиҳозланган корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган рақобатбардор, арзон тайёр маҳсулотлар ташқи бозорда ҳам ўз харидорига эга.

— Тадбиркорларга яратилаётган кенг имкониятлар бизни Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишга ундайди, — дейди корхона иш юритувчиси Малик Чориев. — Айниқса, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиги остидаги маҳсулотлар билан миллий маҳсулотларига юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Биз толани биржа орқали харид қилиб, уни қалава илга айлантириш, бўз тўқиш, матони бўяш, тайёр маҳсулот ҳолига келтириш билан боғлиқ барча санжирасимон жараёнини шу ернинг ўзига бажарамиз.

Ўтган йили маҳсулотнинг 95 фоизи экспорт қилинди. Бу йил ҳам шу анъанани давом эттирамиз. Ҳозиргача 340 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотни чет эллик буюртмачиларга етказдик. Маҳсулотлари-

мизга талаб ошса ошяптики, қамайгани йўқ.

Корхонада буюртмачи хоҳиш-истагига устувор вазифа сифатида қаралади. Бу ерда тайёрланаётган 47 турдаги маҳсулотнинг даярили барчаси хорижий шериклар таклифи асосида дунё юзини кўряпти. Масалан, яқинда Россия Федерациясининг Новосибирск шаҳридаги “Лидер” масъулиятли чекланган жамияти 18 минг дона сочик тайёрлашга буюртма берди. Ҳозиргача буюртманинг 12 минг донаси тайёрланиб, буюртмачига етказилди. Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар жажон бозорига мустаҳкам ўрин эгаллаётганидан фахрланамиз.

Табиийки, бу каби тез ўзгаришлар жараёнларга илгор технологияларис мослашиш мушкул. Шунинг билан олган корхона ишбилармонлари 800 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаб, модернизация тадбирларини амалга оширди. Сочик тўқийдиган замонавий дастохлар харид қилинди. Улар компьютерлаштирилган “ақли” машиналар бўлиб, қўл меҳнатини даярили икки баравар қисқартириш, энергия тежаш, маҳсулот сифатини ошириш имко-

нини берди. Бу каби тадбирларни амалга оширишда давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёзлар қўл келаяпти, албатта.

— Яхши яшаш учун ҳаракат қилган одам имкон топади, баракка ҳам эришади, — дейди корхона ишчиси Мироншоҳ Ашуров. — Кўнчисафет қишлоқиданман, олти йилдири, шу ерда меҳнат қиляпман. Турмуш ўртоғим ҳам бориб келдим, тивуц цехида ишлаяпти. Меҳнат қилиб ҳам бўлаётганимиз йўқ. Корхонамизда ишчилар учун барча шароит яратилган. Маоши яхши, тушлик бепул. Ишга бориб-келиш учун махсус автоулов ажратилган. Очиғини айтганда, ишлагани совуқ ўлкаларга ҳам бориб келдим. Анча-мунча қўйинчиликларни кўрдим. “Ўз уйинг — улан тўғинг” деганларидек, ўзимизнинг юртга етари йўқ экан. Шу ерда меҳнат қилаётганимиздан мамнунмиз.

Бу сўзларга эса изоҳнинг ҳожати йўқ...

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Тадбиркорлик

10 ТА ҚУЁНДАН БИР ЙИЛДА 30 МИЛЛИОН ДАРОМАД ОЛИШ МУМКИН

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига ташрифи давомида қўёнчилик соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, ушбу истиқболли тармоқни янада ривожлантириш орқали оилалар даромадини шакллантириш юзасидан топшириқ берган эди. Орадан ўтган қисқа вақт мобайнида ҳудудда бир неча қўёнчилик кластерлари ташкил этилди.

Шундай кластерлардан бири — Булоқбоши туманидаги “Бадаловлар келажиги — 2020” корхонаси томонидан хорижий давлатлардан қimmatбахо мўйнали зотдор қўён наслари олиб келиниб, уларни кўпайтириш ва аҳолига тарқатиш йўлга қўйилди.

Айни кунда аҳолига кредит асосида зотдор қўёнлар етказиб берилмоқда. Хусусан, кам таъминланган оилаларга 500 дан ортиқ қўёнлар тарқатилди.

— Бугун қўён боқиш кўпчилик учун даромад манбаига айланган, — дейди “Кулла” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Нуртожи Бердиева. — Қўён парварчилиги кўп меҳнат талаб қилмайдиган иш бўлиб, харажати ҳам у қадар катта эмас экан. Агар белгиланган тартибларга амал қилган ҳолда 10 та қўён боқса, бир йилда кўрайдиган фойдамиз 30 миллион сўмдан ортиши мумкин. Бу, албатта, ҳар қандай оила учун яхшигина даромад ҳисобланади. Корхонага тез кўнларда Италиядан 100 дона зотдор қўён олиб келинади. Лойиҳага биноан уларнинг сони 6 ой давомида 3 мингтага етказилиши режалаштирилган.

Саминжон ХУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Ватан манзаралари

Қадимги Довон, Паркана номи билан машҳур бўлган Фарғона ўзининг самовий арғумоқлари билан етти иқлимга танилган. Бу заминда ривожланган хунармандчилик, савдо-сотик, чорвачилик йўналишлари, ўзаро маданий алоқалар андозаси кўплай халқ ва элатлар томонидан ўзлаштирилиб келинган. Дунёдаги энг улкан ва энг узун қарвон йўли — Буюк Ипак йўлининг бир тармоғи айнан Фарғона водийсидан ўтгани, ўлкамиз учун дунё тамаддунига кенг йўл очилгани ҳақида тарихнинг ўзи гувоҳлик беради.

ТАБИАТ СИЙЛАГАН ЗАМИН

Қурама, Олой ва Туркистон каби тоғ тизмалари табиатнинг паҳлавонлари янглиғ ўлкани “мустаҳкам қанотлари” билан ўраб туради. Қолаверса, унинг ўзига хос наботот олами ашил дунёнинг камёб турларини бағрига жо қилган. Маҳмуд Кошгарийнинг “Девону луғотит турк” асариди “Тўқайли ер учмоқ (жанант), оғочсиз ер пучмоқ (дўзах)” деб таъкидланганидек, Фарғона тупроғи табиатнинг бу неъматлари билан беҳад сийланган. Ўрмон ва адирларида саяётган, Ер юзида саноқли бўлган айрим ўсимлик ва дарахт турларининг ЮНЕСКО муҳофазасига олингани, вилоятнинг ўзига хос географик жойлашуви, сўлим табиати, шифобахш гиёҳ ва ўсимликлар таърифи дунё олимларининг доимий диққат-эътиборида. Буларнинг барчасида Фарғона отлиг бетақорор маканнинг ўзига хос сифатлари намоён бўлиб, бу ерда экотуризмни ривожлантиришга асос борлигини кўрсатади.

Ҳудудда табиий шароитда пайдо бўлган зиёратгоҳлар (булоқ-чашмалар, горлар, шифобахш тупроқлар), мазор ва мақбаралар, меъморий обидалар ҳамда тарихий манзиллар бор. Шу боис Фарғона зиёратгоҳ ва қадимжолар макони сифатида дунё аҳлини ўз бағрига оҳанрабодай тортаётгани беҳиз эмас. “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги

Қонун асосида бу бебаҳо меросни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга етказишга оид эзгу ишлар мунтазам давом эттиришмоқда. Маданий бойликлар, кўна тарихий ёдгорликларнинг маънавий аҳамиятини эътиборга олиб, республикамизда “Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадимжолари” номли 7 қисмдан иборат дўбта нашр этилган. Тўпламининг биринчи китоби айнан Фарғона вилояти зиёратгоҳлари тарихидан бошланган.

Вилоятда мустақиллик йилларида Хожаназар Хувайдо, Бурҳониддин Марғиновий, Увайсий мақбаралари, Улуғ мазор, Пул Сиддик мажмуаси, Биби Убайда сингари ўнлаб зиёратгоҳлар миллий меъморлик анъаналари асосида қайта таъмирланди. Ҳозирги кунда дунё цивилизацияси бешикларидан бири саналган кўна замин 200 дан зиёд муқаддас қадимжолар макони.

Буюклар хоки ётган, табиат сийлаган бу заминда мақтанса, оламга кўрсатса арзигулиқ сифат ва хислатлар бисёр. Фақат уларни ўрганиш, ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш ва эътироф этишга шошилиш керак. Зеро, бу дилбар ўлканинг манглайи буюк тарих инъоми ва истиқлол нуридан порлаб, дунё нигоҳи ва эътирофидаги қўлтуғ манзилга айланмак.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертларини қайта тайёрлаш курсларида ўқишга ҳужжатлар қабули давом этаётганини эълон қилади.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертлари (кейинги ўринларда Суд экспертлари деб юритилади)ни қайта тайёрлаш курсига 2020/2021 ўқув йили учун талабгорлардан ҳужжатлар қабули коронавирус пандемияси (COVID-19) шароитидан келиб чиқиб, 2020 йил 31 августгача узайтирилганлигини таъкидлайди. Шу муносабат билан бевосита Марказга келиб ёки почта ёхуд info@sudex.uz электрон почта орқали сифатли (кўрсатилган, яхши ўқиладиган) даражада тақдим қилиниши (суҳбат жараёнида ҳужжатларнинг асли кўрсатилади) лозим.

Талабгор Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади)да ташкил этилган Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширади:

- Марказ директори — комиссия раиси номига ариза (аризада талабгорнинг қайси тилда таълим олиш истаги кўрсатилади);
- паспорт нусхаси (паспортнинг асл нусхаси ҳужжат топшириш ёки суҳбат жараёнида кўрсатилади);
- маълумоти тўғрисидаги диплом нусхаси (диплом асл нусхаси ҳужжат топшириш ёки суҳбат жараёнида кўрсатилади);
- 3,5x4,5 см. ҳажмдаги икки дона фотосурат;
- нодавлат суд-экспертиза ташкилоти номидан тавсиянома (агар талабгор юридик шахс ҳодими бўлса);

Қабул комиссияси томонидан (ўзбек ёки рус тилида) суҳбат 2020 йил сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази биноси (Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси)да ўтказилади.

Ўқиш муддати олти ой (24 ҳафта), ўқиш учун тўлов амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 45 (қирқ беш) баравари даражасида белгиланган.

Қўшимча маълумотлар учун телефон рақами: 71-209-11-55 (190)

Қабул комиссияси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Нигматилла Йўлдошевга онаси
САИДА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳамда Касаба уюшмаси қўмитаси Иқтисодиёт кафедрасининг профессори
Анорбой СУЛТОНОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Коррупция бир неча минг йиллик тарихга эга. Ёзма манбаларда коррупция ҳақида эрамиздан аввалги Шумер подшолиги даврида эслатиб ўтилади. Коррупция бизнинг қунларгача етиб келганлиги шундан далолат берадики, бошқа иллатлар каби, уни ҳам таг-туғи билан йўқотиб бўлмайди. Ҳатто ривожланган Фарб давлатлари ҳам коррупциядан буткул халос бўлмаган. Бироқ жамият ривожига хавф солувчи коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш Ер юзидаги барча давлатларда ҳаммиша ва ҳамма замонда давом этган.

Қуръони каримда порахўрлик бевосита тақиқланади: “Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Билиб туриб одамларнинг молларидан бир қисмини ейишингиз учун уни ҳокимларга гуноҳқорона ташламанг” (Бақара сураси, 188).

КОРРУПЦИЯ ДАМИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ: МУАММО В АЧЧИК



иш ҳақидан 2-3 барабар кўп бўлишига эришилши (Грузия тажрибаси) керак. Бунинг учун мустақил комиссия ва марказларни тузиш, ҳақиқий аҳолини жиддий ўрганиш, барча тадқиқотлар ҳамда ахборотларни мунтазам йиғиб борадиган ягона марказ тезда иш бошлаши талаб этилади. Чунки қиладиган иш ва вазифа ўн йилларга етгулик.

Хориждан олинган аччиқ сабоқлар

Жамият аъзоларини бирдай қийнаб келатган бало офатга қарши курашиш учун биз қўшни давлатлар тажрибасини ўрганиш ва сабоқлар чиқариш йўлида изланиб, Россиядаги аҳолини қўздан кечирди: 2000-йиллар аввалида улкан мамлакатнинг миллий хавфсизлигига коррупция хавфи соҳага бошлаган (ассосан, ер ости бойликлари ва муҳофаза соҳаси маблағларини талон-торож қилиш), махсус идора очилди, мавжуд муаммолар халқроқ тажриба билан таққосланиб, “ҳомий” вазифасини бажарган ҳуқуқ-тартибот органлари, солиқ, бошқоқна хизмати тизими раҳбарларига кескин қоралар қўрилди.

Ички ишлар органи тизими бутунлай ислоҳ этилди. Криминал тармоқлардаги узоқ йиллик коррупция ҳолатлари ишончли далиллар орқали фож қилиниб, йирик жиноий ишлар очилди.

Тўғри, Б. Ельцин ҳокимияти даврида масалага панжа орқасидан қараб келинган эди. Россия Федерацияси Президенти В. Путин назоратига ўтган кўшма махсус илмий марказлар, жамоат таъкилотлари қисқа муддатда вазирликлар ва миқтақлардаги коррупция даражасини аниқлаб олдилар.

Масалан, Москва ҳамда марказий шаҳарларда коррупция юқори, узоқ ўлкаларда камроқ ривожланган эди. Айниқса, суд, прокуратура, ички ишлар органларида, олий ўқув юрталарида коррупцион тизим “самарали” ишланганлиги аниқланди, минглаб мансабдор шахслар лавозимидан озод қилинди. Бундан хулоса чиқарган таъкирот раҳбарлар сиёсий вазиятдан сал қўчиб, ўзларини “пангага тортиди”.

Айтиш мумкинки, Ўзбек сиёсатчилари, давлат арбоблари, олимлари ўрганаман деса дунё мамлакатларида бундай жиҳатлар кўплаб топилди. Мисол учун, Сингапурда пора олишдан бош тортган амалдорларга мукофотлар тарқатилди. Япония давлат сектори ҳодимларининг виждончилиги баҳолаб борилди. Биз ўзига ҳоз бундай ислохотлар тағ-заминдаги ички ва ташқи оммиларни тадқиқ этишимиз зарур. Булардан ташқари, “конфуцийлик капитализм”, суҳратона сиёсат, Махатхир (руку нигара) гоғларининг мазмун-моҳияти ҳам дунёга ўрганилган.

Хуллас, давлат органларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича чора-тадбирларни жорий этиш, аҳолининг коррупцияга қарши қарашларини шакллантириш бўйича халқроқ тажриба-балар ҳеч қанон зарар қилмаган.

Шу ўринда яна бир тоифа ҳақида тўхталиб ўтиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Маълумки, 1990-йиллар бошида мустақиллик йўлига ўтган ўз давлатларида модернизациялаш табиий бўлмаган жараёни ўз бошидан кечирди. Барча кўрсаткичлар газеталарда ёзилгандай “силлиқ” эмас, балки нотекис кечаётгани кўпчиликка маълум эди. Чунки давлат бош ислохотчиликни бўйнига олган бўлса-да, уни амалга оширувчи институт бюрократия қўлида қолганди. Аппаратчи бюрократлар синфий социализм ҳужм сурган эски даврларни кўп қўмсади, янгиликни ҳоҳламади. Масалани шу жиҳатдан ҳолис таҳлил қилганимизда, бюрократиянинг ҳокимиятга “таъсири” коррупционерлардан кам эмаслиги аён бўлади.

Коррупция ва миллий тараққиёт масаласи — юрт тақдирини, мамлакат келажагини ўқун ҳар қанондиган мумкин ва долзарб аҳамият касб этади. Сабаби юртимиз аҳолиси бир асрлик мустамлакачилик даврида йўқотилган моддий ҳамда маънавий бойликлар ўрнини қайта тиклаш, иқтисодий ривожлантириш, миллий ўзликни асраш йўлида кечаю кундуз меҳнат қиладиган дарв келди.

Йонлар ҳам, хитойликлар ҳам, сингапурликлар ҳам халқ руҳиятини сақлаб қолди, диний қадриятларни мустаҳкамлаш, ватанпарварлик мафқурасини онга синдириш орқали миллий тараққиётга эришди. Биз ҳам шу нури йўлдан юришга муносиб халқимиз. Зеро, озодлик, эркинлик яратган бой имкониятдан тўлақонли фойдаланиш Ўзбекистонда коррупция муаммоси ечилишига, қолaversа, унча ҳокимиятнинг ўзаро тийиб туриш тамойилига нечоғли амал қилишига чамбарчас боғлиқ бўлади.

Мухтасар айтилганда, коррупция — тараққиёт қушандаси, хавфсизликка таҳдид туғдирувчи хавфли жиноят. Бу иллатга қарши курашиш тегишли органларнинггина эмас, барчанинг иши бўлиши зарур. Шундангина биз ушбу хавфни бартараф этган бўлаемиз.

Бахтиёр ОМОНОВ, сиёсий фанлар доктори.

да ва Люксембург (81 балл) кирган. Энг ёмон кўрсаткич Сомали (10), Сурия, Жанубий Судан (13), Яман ва Шимолий Кореяда (14).

“Бизнинг тадқиқотларимиз соғлом демократия билан давлат секторидидаги коррупцияга қарши кураш ўртасида аниқ боғлиқликни кўрсатиб берди”, дейди халқроқ таъкилот раиси Делия Феррейра Рубио.

Соёқ СССР мамлакатларида 2018 йилда Коррупцияни англаш индекси бўйича Эстония 18-ўрини, Грузия — 41, Беларусь — 70, Қозғистон — 124, Тожикистон — 152, Ўзбекистон 158-ўринни эгаллаган.

фоват 25 — 40 мартаба эканлигини қайд этмоқда. Хозирги кунда яшаш минимумидан паст даражада кун кечираётган камбағал аҳоли 15 фоиздир. Бу масалада 2019 йилдан бошлаб катта силлиқи кузатишган, ҳатто бутун бир вазирлик ишлаётган бўлса-да, ўртадаги фарқнинг кучайиб бориши жамият қатламларида турли фикрларни пайдо қилиши мумкин.

2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими (“қорлаген-назорат”)ни бошқичма-бошқич жорий этиш чоралари қўрилиши соҳада туб ўзга-

Агентликнинг вазифаси

2020 йил 29 июнда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мувофиқ ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги бу борада давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш билан бирга, ана шу кўрсаткични яхшилаш устида кўп ишларни қилмоқда.

Бунда бир оммилга аҳамият берилиши, яъни қўчмас мулк сотиб олинганда пулларнинг келиб чиқиши қонунийлиги текширилиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Ваҳоланки, бизда жуда қimmat уйлар эгалари уларни сотиб олиш ёки қуриш учун маблағни қаердан олгани суриштирилмайди ҳам (2021 йилда декларация тўлдирилди, унчага мулклар имкон қадар “бошқа”га ўтказилиши мумкин).

Қонунчилик тизимида ҳам қамчилик мавжуд. Мисол учун, хонандлар ёки бошқа айрим тоифа кишиларнинг ҳоҳланган қаср уйлар қуришига, телевидениеда кўз-кўз қилинишига йўл қўйишнинг қонуний яъни ишлагаётган даража беради. Масаланин маънавий тарафи ҳам борки, енгилгина йўл билан бундай шохона яшаш бир вақтлар прокурор ёки ДАН ходими тайёрлайдиган ўқишга киришни истовчи ёшлар кўпайганига ўқаш ҳолатини пайдо қилиши мумкин.

Демак, бу истеъдод бўлмаса-да, оддийгина техника, фонограммалар сунби, мўймай пул топидиган хонандлар сонининг 10 барабар ортишига олиб келади. Бу фикрга кўпчилик қарши чиқиши мумкин. Аммо жамиятда барча соҳада тенг мувозаанатни сақлашда “олтин қонда” бузилмаслиги тарафдоримиз. Фонограммалар айтилган қўшиқнинг CD дискларини ёзиб олиш, кўпайтириш ва сотиш билан шуғулланувчиларга ҳам шундай “имтиёз”лар белгилашни, солиқ тўламаслиги оқибатида Давлат бюджетига катта иқтисодий зарар қўришига ҳам тоқат қилиб бўлмайди. Бундай коррупцион ҳолатларнинг илдиз олишига, бир гуруҳ кишиларнинг бойиб кетишига йиллар давомида шараф яратилган. Дейлик, саводи ҳаминқадар хонанда ё диск кўпайтирувчи ўзи ўқитган мактаб муаллими ёки узоқ йиллар давомида илм билан шуғулланган олимдан ҳам кўпроқ маблағ топишига имконият яратилиши адолатсизлик ва коррупциянинг очик қўрилиши эмасми?!

Аҳоли табақалари даромадларининг фарқланиш шиддети кескин ўзгаргани иқтисодчиларни ташвишга солади. Мисол учун, соёқ иттифоқ статистика қўмитаси маълумотига қўра, бу 1956 йилда 3,28, 1986 йилда 3,38 га етган — қарийб тенг бўлса, мустақиллик йилларида бой ва камбағаллар даромадидига фарқ ана кўпайган. Расмий маълумотларда 10 фоиз энг бадавлат кишилар даромади энг камбағал фуқароларнинг даромадларидан 10 — 15 марта ортиб кетганлиги маълум бўлмоқда. Кўплаб экспертлар “яширин иқтисодиёт” хисобга олинганда, ўртадаги ҳақиқий та-

руҳиятига тамағирлик, порахўрлик ёмон иллатгина эмас, балки у жамиятимиз таназзули, иқтисодий тизимни орқага кетиши сабаби эканлиги ҳақида кўпроқ тарбиявий ва тарғибот ишларини олиб бормасак, мақсад-муддога эриша олошимиз қийин.

Сўнгги йилларда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган давлат халққа хизмат қилиши керак, деган улкан гоғ фуқаролик жамияти институтларига тизим ва дастурларни ишлаб чиқиш имкониятини берган эди. Аммо нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар бу борада ташаббус ҳамда ташкилоти ишларни амалга оширишни неғадир пайсалга солмоқда.

Тўғри, кейинги вақтларда, хусусан, 2017 йилдан бошлаб, мамлакатимизда “парламент назорати”, “жамоатчилик назорати”, деган атамавлар таомилга киритилди, бу борада илк қонунлар қабул қилинди. Демак, биз мазкур соҳада ишлайдиган тизимни тезликда яратилиши, миллий менталитетни ҳисобга олган ҳолда, Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари илгोर тажрибасини қўллагуша ўқишимиз лозим. Жамоатчилик назоратисиз Ўзбекистонда сиёсий тизим ислохотларини амалга ошириб бўлмайди.

Айниқса, модернизация, янгилашни, ислохотлар билан коррупциянинг бир-бирига “қони қўшилмайди”, янгилик билан эс-

порахўрлик ва коррупция ўзбек жамиятининг ривожланишига, хусусан, демократик янгилашни ҳамда модернизациялаш жараёнига ҳар жиҳатдан халақат бермоқда. Гарчи бу масала узоқ йиллардан бери таъкидланиб, “қўлга тушган” амалдорлар телевидение ва матбуотда намойиш этилганига қарамастан, суд, прокуратура, идора раҳбарлари ҳамда оддий фуқароларнинг қон-қонига сингиб кетган феодализм сарқитлари, тамағирлик, бюрократия жамиятимиз ҳаётидан йўқолиб кетмапти.

Коррупция, биринчидан, жамиятда долатсизлик, тенгсизлик ва аҳолининг норозилигига олиб келади, бу эса барча соҳадаги ислохотларнинг натижасига салбий таъсир этмай қолмайди; иккинчидан, фуқароларимизда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила олмалиги жамиятда адолат сезиниши бузилишини кўпайтиради; учинчидан, сиёсий институтлар, жамоат ташкилотлари шаклан демократик мезон, Фарб андозасига ўхшаса-да, мазмун-моҳиятига қўра, замон талабидан орқада қолмоқда, бу қамчилик эса олдинга силжишимизга халақат беради.

Бизнингча, бу борада битта ташкилот — адлия органи роли кўчмай, имтиёзлари кўпайиб бориши керак. Янги ташкил этил-

“Юртбошимиз бошлаб берган жамиятни демократлаштириш, модернизациялаш жараёни қийинчилик билан давом этмоқда. Иқтисодий тизимнинг инвестиция киритилган, “пул ишлайдиган”, бирмунча “ёғли” тармоқларига ўрнашиб олан “коррупция халқаси” миллий тараққиётимизнинг душмани, жамоат назорати эса уларга қарши кураида оғизлик қилаётгани ҳам афсуски бор гап. Мамлакатда коррупция схемалари, меҳнат қилмасдан тезда бойиб қолиш механизмлари, ишланган усуллари “занжири” узиб ташланмас экан, давлатимизнинг ҳар қандай сиёсий, иқтисодий ислохотини ҳаётга олиб кириш, халқни фаровон қилиш вазифаси қорғозда қолиб кетаверади.”

ган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳам Адлия вазирлиги билан қонун устуворлигини тўлиқ таъминлаган ҳолда, барча ишни бирга олиб бориши давр талаби.

Моҳияти

Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарига фуқаролик жамиятини қуришда тўғноқ бўладиган муаммолардан бири коррупциядир, деб қайд этган. Бозор иқтисодиёти тизими қушандаси, давлатлар ўртасида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик, бизнес ҳамда инвестиция ривожига шафқатсиз тўсиқ ҳам айни шу коррупция ҳисобланади. Хар йили ўнлаб қўшма корхоналарнинг очилиши ва ёпилиши замирида ана шу “қўримас кўлар” ётади. Коррупция даражаси юқорилашган давлатга чет эл инвестициясини киритиш қаммайиб бораётганининг асаб сабабларини ҳам шу хавфли иллатдан излаш лозимга ўқийди.

Олдин Фарб, кейинроқ Осиё давлатларида бу масала чуқурлашиб, жамиятда “касалик” худудиди, қўлами ва даражаси кучайиб бораётган экан, нима қилмоқ керак, деган доимий савол пайдо бўлади. Нима қилса, дунёни эгаллаб, мамлакатлар иқтисодиётига раҳна солаётган бундай бало-қазонинг таъсир доираси қамаядими?!

Коррупция кенг қамровли тушунча бўлиб, у жамиятнинг айрим қатламлари, тоифалари, гуруҳлари кундалик фаолиятига айланаб, ўзаро бир-бирига боғлиб, чирмашиб кетганлигидан кўз юмиб бўлмайди. “Нозик”, “чигалроқ” ушбу масалада давлатнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари бирмунча ҳушёр, зийрак бўлиши, шунингдек, нодавлат ташкилотлари, турли комиссиялар, журналистлар, мустақил судлар тизими фаолроқ ишлаши ҳақида тадқиқотчилар анчадан бери ёзиб келади. Сиёсатчилар, социологлар, психологлар, тарихчилар, давлат ҳамда жамоат органлари, сиёсий партиялар, энг муҳими, амалиётчилар масалани таҳлил этиш ва ечимини топиш устида бош қотириши лозим.

Кейинги йилларда хориж, жумладан, МДХ мамлакатлари матбуотида коррупцияга қарши курашиш йўллари ҳақида мақолалар пайдо бўла бошлади. МДХга аъзо мамлакатларда олиб бориладиган тадқиқотлар таҳлили шундан далолат берадики, биз шуролар тузумидан қутулганимизга ўттиз йил бўлганига қарамай, суд-ҳуқуқ органлари ҳамон давлат ҳокимиятининг итоткор органига айланганча турибди. Бу жамият қушандаси, ярамас иллат ҳақида давлатиимиз раҳбари даярли ҳар бир қишқичда таъкидлаб ўтади. Биз вилоятлар сессияларида ташкилий масала қўрилганда, биринчи навбатда, мазкур масалага рўбарў келмоқдамиз.

Схемалари ва индекси

Коррупция — чегара билмас “аждаҳо”, у алдамчилик, порахўрлик ва пулни “ювиш”нинг аниқ “чизма” (схема)ларидан ташкил топган. Россияда кечроқ бўлса-да, унга қарши янги механизм чоралари қилирилмоқда.

Сабаби Б. Ельцин ҳокимияти даврида мамлакатда иқтисодиётни режалли ва мақсадли бошқариш тизими бутунлай издан чиқибди, параллел равишда режасиз (мягисиз) ҳамда жинойи иқтисодиёт барабар олиб бориладиган эди.

Россия Ички ишлар вазирлиги Иқтисодий хавфсизлик акадeмиясининг маълумотига қўра, 2015 йил охирида мамлакатда иқтисодиётнинг жиноятлашганлиги даражаси жуда “тан” аҳволда бўлиб, “хуфиёна иқтисодиёт” ялли ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 40 фоиз кўрсаткичи даражасига етган, 1991 йилда эса бор-йўғи 11 фоиз бўлганди.

“Transparency Int” (TI) коррупцияга қарши тадқиқот марказининг 2017 йилдаги маълумотига қўра, Россияда коррупция ҳолатини ўзлаштириш индекси 2,3 балли ташкил қилиб, 180 давлат ичида 143-ўринга — Гамбия, Индонезия ва Того даражасига тушиб қолган.

Юқорида таъкидланган халқроқ ташкилот 2018 йилги коррупцияни қабул қилиш индексини эълон қилди. 100 баллик индексга қўра, Ўзбекистон 23 балл олиб, умумий рейтингда 180 мамлакат ва худудлар орасида 158-ўриндан жой олган. Ушбу рейтинг 0 (коррупцияни дароқ этишнинг жуда юқори даражаси) дан 100 гача (жуда паст) шкалада ҳисоблаб қилинади.

Коррупцияни идорққ этиш индексини — давлат секторидида коррупция даражасини эксперт ва бизнес вакиллари баҳолайди. Аввалги йилларда бўлгани каби, дунё мамлакатларининг учдан икки қисминдан кўпрогининг ўртача балли 43 дан 50 гача кўрсаткичда турибди. Индекс тузувчиларнинг фикрича, бу ақсарий мамлакатларнинг коррупцияни жиддий назорат қила олмаганлиги ва демократиянинг инқирозидан далолат беради.

Дания 88 “очко” билан пешқадамликни Янги Зеландиядан қайтариб олди. Кучли ўнликка Финляндия, Сингапур, Швеция ва Швейцария (хар бири 85 балл), Норвегия (84), Нидерландия (82), Кана-

да ва Люксембург (81 балл) кирган. Энг ёмон кўрсаткич Сомали (10), Сурия, Жанубий Судан (13), Яман ва Шимолий Кореяда (14).

“Бизнинг тадқиқотларимиз соғлом демократия билан давлат секторидидаги коррупцияга қарши кураш ўртасида аниқ боғлиқликни кўрсатиб берди”, дейди халқроқ таъкилот раиси Делия Феррейра Рубио.

Соёқ СССР мамлакатларида 2018 йилда Коррупцияни англаш индекси бўйича Эстония 18-ўрини, Грузия — 41, Беларусь — 70, Қозғистон — 124, Тожикистон — 152, Ўзбекистон 158-ўринни эгаллаган.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғра Ғ — 856. 32 009 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоқси келишилган нарҳда. Газетанимиз ҳақидаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-қодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

Тадқиқотга келган қўлабмақал таъкир қилинмайди ва мустақилга қайтарилмайди. Газетанимиз кўпмақал берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жаовбар. Газета таъкирот компьютер марказда термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган. Газетанимиз полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилганига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй. Навбатчи муҳаррир — Д. Қаримов. Мусаҳҳиҳ — С. Исломов. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.05 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6